




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (13.014)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

“Ўзэкспомарказ”да саккизинчи халқаро ихтисослашган “UzMedExpo – 2015” тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, “Ўфармсанот” давлат акциядорлик концерни ва бошқа ташкилотлар кўмағида “IEG Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали тиббий кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида аҳолининг барча қатламлари малакали тиббий хизмат билан камраб олинди. Скрининг марказлари, туғруқ мажмуалари, вилоятлар кўптармоқли шифоналари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари халқимизнинг соғлом ҳаёт кечиришини таъминламоқда. Ўтган йили 133 тиббиёт муассасаси янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Гулистон шаҳридаги вилоят онкология диспансери, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон кўптармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги силга қарши кураш диспансери шулар жумласидандир. Корея Республикаси билан ҳамкорликда энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўптармоқли замонавий болалар тиббиёт маркази барпо этилмоқда.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кекса авлод вакиллари, хусусан,

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш, зарур дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз фармацевтика компаниялари илгари аксарияти четдан олиб келинган препаратлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда давом этмоқда. Ўзбекистонда 1997 йили атиги 2 фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 номга яқин дори воситалари ишлаб чиқариш эди. Амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар самарасида бүгун юртимизда соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 149 тага етиб, улар томонидан 1482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқаришмоқда. Мамлакатимизда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилган бўлиб, уларнинг таркибида 8 тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, 15 назорат-таҳлил лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Аънавий “UzMedExpo” халқаро тиббиёт кўргазмаси соҳа мутахассисларини тиббий-илмий янгиликлар ва ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан таништириш, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидлаганидек, бизнинг асосий вазифамиз – амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва бунинг ҳисобидан мамлакатимиз рақобатбардошлигини янада ошириб, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашдир.

АКТ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги конференцияда шу хусусда сўз борди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар миллий ахборот-коммуникация тизимини изчил, босқичма-босқич ривожлантириш учун шароит яратилгани давлат ва жамият бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имконини бераётгани, натижада миллий ахборот маконини ривожлантириш истиқболлари юксалаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантиришга доир ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, “Алоқа тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ҳозир “Омавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Омавий ахборот воситалари-

ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида” каби қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган қарорлари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий ҳужжатларида ўз ифодасини топомқда. Партия ҳар доим миллий ахборот-коммуникация маконини шакллантириш ва фаол ривожлантириш, ахборот соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суришни қўллаб-қувватлайди.

Партия ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз фаолиятида миллий ахборот маконини ривожлантириш жараёнларини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш, аҳолининг ахборотдан фойдаланиш имкониятини юқори даражада таъминлаш, миллий ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, айниқса, интернет тармоғи миллий сегментини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, давлат ва жамият бошқаруви йўналишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш учун янада қулай шароит яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси бўйича олиб борилган назорат-таҳлил ишлари якунлари кўриб чиқилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши ўтказилди. Унда мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий ҳўжалик суди судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, видеоконференцалоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳўжалик судларининг судьялари иштирок этди.

● Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти томонидан “Астрономия фани истиқлол йилларида” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб Яшнобод туманидаги 198-умумтаълим мактабида “Маърифат ва эзгулик ёғдуси – устозларга таъзим” деб номланган маънавий-маърифий кеча ва спорт мусобақаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● “Катта еттилик”, Европанинг баъзи мамлакатлари ҳамда Форс кўрфази давлатлари қочоқларга ёрдам бериш мақсадида 1,8 миллиард доллар ажратишга келишиб олишди. Ушбу маблағлар асосан Қочоқлар масалалари бўйича агентлик ва Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури ўртасида тақсимланади.

● Хитойнинг Spring Airlines авиакомпанияси ўз самолётларида йўловчилар учун тик туриб парвоз қиладиган жойларни татбиқ этишини маълум қилди. Авиаташувчининг фикрига кўра, бундай янгилик чипталар нархини пасайтиришга имкон яратади.

● Халқаро Қизил Хоч ташкилоти 2014 йилда бутун жаҳон бўйлаб табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сонини эълон қилди. Маълумотларга кўра, ўтган йили саккиз минг бир юз саксон олти киши шундай офатлар натижасида ҳалок бўлган.

● БМТнинг маълум қилишича, жорий йил охирига бориб, бутун жаҳон бўйича мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони 7 миллиардга етади. Агар сайёрамизнинг жами аҳолисининг сони 7,3 миллиард кишини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, мобиль алоқа билан қоплаш даъвога 95 фоиздан ошади.

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИ ОШКОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

“Ўзкоммунизмат” агентлигида коммунал хизматлар фаолиятининг ошқоралиги ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Коммунал хизматлар фаолиятининг очиқлиги аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан ўз-ўзидан таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал хизматлар фаолияти тўғрисида ахборот олиш тизими яратилиб, аҳолини ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, коммунал ҳўжалик со-

ҳасидаги янгиликлар ҳақида кенг хабардор қилиш механизми шакллантирилди.

“Ўзкоммунизмат” ўқув-услубий, меъёрий-инжиниринг маркази директори А.Муҳаммадjonовнинг сўзларига кўра, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ахборот олиш мақсадида истаган коммунал хизматига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Ўзкоммунизмат” агентлиги

туман босқичи ўтказилади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан амалга оширилган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида шифокор-наркололар иштирокида “Ёшлар гиёҳвандликка қарши!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор туманидаги 25-сонли мусиқа ва санъат мактабида “Камалак” юлдузлари” болалар ижодиёт фестивалининг

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва уларга тегишли шарт-шароитлар, қулайликлар яратиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва акциялар чиқаришни такомиллаштириш иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда.

Шу боис жорий йилнинг 25 август кuni Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Жами 29 та моддадан иборат бўлган ушбу Қонунда энг аввало "инвестиция фонди" ва "пай фонди" атамаларига тушунчалар берилган.

Жумладан, Қонуннинг 3-моддасига кўра инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс-акциядорлик жамияти инвестиция фонди ҳисобланади. Ушбу фонд ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси эса пай фондини ташкил этади (Қонуннинг 4-моддаси).

Қонунда инвестиция ва пай фондларининг турлари ҳам санаб ўтилган. Фарқли жиҳати шундан иборатки, агар инвестиция фонди юридик шахс кўринишида фаолият юритса, пай фонди юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Қонуннинг 5-моддаси инвестиция пайига аталган бўлиб, у ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қўғоздир.

Инвестиция активлари нимадан иборат? Қимматли қўғозлар, улушлар, пул маблағлари, омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активлари ҳисобланади (6-модда).

Ишончли бошқарувчи нима, деган саволга биз жавоби Қонуннинг 8-моддасидан толамиз. Унга кўра, юқоридаги фондларни шартнома асосида бошқариш ўз зиммасига олган юридик шахс ишончли бошқарувчи ҳисобланади.

Қонун "инвестиция декларацияси" деб аталган 10-моддани ҳам ўз ичига олган бўлиб, ушбу декларацияда мазкур фаолиятни амалга ошириш мақсади, инвестиция активлари рўйхати, таваккалчиликлар тавсифи, ишончли бошқарувчи томонидан ривож этилиши шарт бўлган қоидалар ва ҳоказолар кўрсатилиши керак.

Қонуннинг 11-моддаси инвестиция фондини ташкил этишга бағишланган. Юқорида таъкидланганидек, инвестиция фонди янги юридик шахсни таъсис этиш ёки бошқа инвестиция фондини қайта тузиш йўли билан ташкил этилади ҳамда у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шуниси муҳимки, инвестиция фонди тижорат ташкилоти бўлиб, у ўзининг алоҳида ҳисобга олинган мол-мулкка, шу жумладан устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади. Унинг муассиси юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Инвестиция фондининг акцияларини жойлаштириш фонд биржасида амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши, шунингдек, ижроия органи инвестиция фондининг бошқарув органи ҳисобланади (12-модда).

Қонуннинг 13-моддасида инвестиция фондининг фаолиятидаги чекловлар санаб ўтилган. Фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш, корпоратив, инфрату-

Янги қонун кучга кирди

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ПАЙ ФОНДЛАРИ — ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

зилма ва имтиёзли акциялар чиқариш, кафил бўлиш, мол-мулкни гаровга қўйиш, бошқа инвестиция фондларининг акцияларини олиш шулар жумласидандир.

Инвестиция фондлари томонидан чиқарилган қимматли қўғозларни ҳисобга олиш ва сақлаш Қимматли қўғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Инвестиция фондининг бухгалтерия ҳисобини юритиш, молия, солиқ ҳисоботларини тузиш ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади (15 ва 24-моддалар).

Қонуннинг 16-моддаси эса пай фондини ташкил этишга бағишланган. Пай фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ишончли бошқарувчи томонидан қабул қилинади. Инвестор ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартнома асосида пай фондида пул маблағлари киритади.

Пай фондининг пул маблағлари инвестиция декларацияси бўйича қабул қилинади. Пай фондининг ҳисоби Қимматли қўғозлар марказий депозитарийси томонидан юритилади (17-модда).

Таъкидлаш лозимки, ишончли бошқарувчи инвесторларнинг пул маблағларини тасарруф этишга ҳақли ҳисобланади. Пул маблағларидан ва инвестиция активларидан фойдаланишнинг мақсади ва йўналишлари ишончли бошқариш шартномаси шартларида

ҳамда инвестиция декларациясига мувофиқ бўлиши кўзда тутилган (18-модда).

Шу билан бирга, инвестиция активларини тасарруф этишда Қонуннинг 19-моддасида айрим чекловлар ҳам ўрнатилган. Масалан, инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўналишлар бўйича ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Инвестиция пайининг муомаласи унинг фонд биржасидаги олди-сотдиси ва инвестиция пайининг эгаси алмашишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширилади, бу ҳақда Қонуннинг 20-моддасида тегишли тушунчалар берилган.

Қонуннинг 21-моддаси эса пай фондини тугатишни тартибга солади. Ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш мuddати тугаганда, барча инвестиция пайларини муомаладан чиқариш учун буюртмалар келиб тушганда, инвестиция пайлари эгаларининг пай фондини тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда ушбу фонд тугатилиши мумкин. Бу эса, албатта, инвестиция пайини муомаладан чиқаришни тақозо этади (22-модда).

Инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солиш ва қонунийликни таъминлаш мақсадида Қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига бир қатор вазифалар юклатилган.

Жумладан, инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқариш тартибини, ушбу фондларнинг инвестиция активлари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартибини белгилайди.

Ишончли бошқарувчи мансабдор шахсларнинг инвестиция ва пай фондлари операцияларида иштирок этишини чеклайди. Ва албатта, инвестиция ва пай фондлари фаолияти устидан назорат олиб боради. Ушбу вазифалар Қонуннинг 23-моддасида батафсил ёритилган.

Инвестиция ва пай фондларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш — Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Шу боис унинг 25-моддасида ишончли бошқарувчи томонидан ахборотнинг тегишли расмий веб-сайтларида эълон қилиниши, белгиланган тартибда сўровга кўра тақдим этилиши белгиланган.

Қонуннинг "низоларни ҳал этиш" деб номланган 26-моддасида ёзилишича, "инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги низола қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади".

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, янги Қонун инвестиция активларини жадаллаштириш ва акциялар чиқаришни такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратаяди, ўз навбатида, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш имконини беради.

Наргиза СУЛТАНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг
Қонунчилик ижроси устидан назорат
бўлими прокурори, 1-даражали юрист



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самараларини бермоқда, — дейди ЎзА мухбирига Франциянинг "TLV Healthcare" компанияси савдо менежери Стефан Угуэн. — Мамлакатингиз бозори бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда чет эллик тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилган. Компаниямиз тиббиётнинг барча йўналишларида фойдаланиладиган замонавий ёритиш мосламалари ҳамда техника ва технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу кўргазма ўзбекистонлик тадбиркорлар билан фойдалади мулоқотлар ўтказиб, бизнес шартномалари тузиш учун қулай имкониятдир.

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки йил сайин ортимоқда. "Intermed Innovation", "Euro Hearing", "Bil Medical Technologies", "Ultrasound Scanner Technology Service", "Premium Technics", "Soyuz Orion Vostok", "Zilola Medical", "Madad", "Ucd Micros", "Shifo-Nur Servis", "Le Asante Cosmetics" каби компаниялар шулар сирасидандир.

— Кўргазмада компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилаётган турли эшитиш мосламалари ҳамда эшитиш диагностикаси технологияларини намойиш этилган, — дейди пойтахтимизда фаолият юритаётган "Euro Hearing" ўзбекистон — Дания қўшма корхонаси бош директори Дониёр Қодиров. — Махсулотларимизнинг сифати халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Асосий мақсадимиз мамлакатимизда яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва махсулот турини кўпайтиришдир. Ушбу кўргазма махсулотларини ишлатиб кўришларида янада кенгроқ таништириш, шифокорлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилади.

"UzMedExpo — 2015" тиббиёт кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Хиндистон, Германия, Швеция, Франция, Россия, Туркия, Украина сингари давлатлардан ўнлаб корхона ва фирмалар иштирок этди. Кўргазма стендларида дори-дармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, табиий фармацевтика ва косметика махсулотлари, рентгенология,

стоматология, физиотерапия, жаррохлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, минерал қўшимчалар ва витаминлар, замонавий техника ва технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, тиббиёт соҳаси учун махсус мебеллар намойиш этилди.

— Биз ушбу кўргазмада илк бор иштирок этаёмиз, — дейди Хитойнинг "Sheng Chun Tang Pharmaceutical" компанияси савдо менежери Симон Банг. — Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан етакчи тиббиёт компания ва фирмаларидан вакиллар иштирок этаётган ушбу анжуманда махсулот ва хизматларни намойиш этиш, музокаралар ўтказиш ва шартномалар имзолаш учун барча шароит яратилган. Бу ерда флуоресценция, кетопрофен ва диклофенак натрий каби пластирларни таклиф этаёмиз. Улар бўғим ва мускул оғриқларини қолдириб, танадаги оғриқларга ҳеч қандай зийн етказмайди. Кўргазма доирасида мамлакатимизнинг қатор тиббиёт муассасалари ва фармацевтика компаниялари фаолияти билан танишди. Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустахкамлаш борасида қўй салмоқли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдим.

— Фаолиятини 1993 йилда бошлаган компаниямиз Ўзбекистонда бизнеснинг турли йўналишларида иш юритади, — дейди "Madad" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси савдо менежери Вадим Кўшбеков. — 2012 йилда тиббиёт техникаси махсулотлари ишлаб чиқариш ва импорт қилишни йўлга қўйдик. Улар орасида пульмонология, кардиология, инфузион терапия, реанимация, педиатрия, неонатология ва диагностика қўлланиладиган турли техника ва технологиялар, мебеллар ва жиҳозлар бор. Корхонамиз Ўзбекистонда рентген нурланишидан ҳимоя қиладиган турли воситаларни ишлаб чиқарадиган ягона компаниядир. "UzMedExpo" кўргазмасида қўй илғи иштирок этаёмиз.

Халқаро кўргазма мамлакатимиз ва жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни намойиш этиши билан аҳамиятлидир. Бу тиббиётнинг барча йўналишларини янада ривожлантириш, соҳадаги талаб ва таклифларни ўрганиш, мамлакатимизга хорж сармоясини жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

**Ўзбекистон Бадий академияси
Халқаро маданият қарвон саройида
Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар
кўни муносабати билан "Мўйқалам
сеҳри" деб номланган бадий
кўргазма очилди.**

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол шахс этиб вояга етказиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар жа- раёнида бадий таълимни изчил ривожлантириш, уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, ўқитув- чиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Бадий таълимни давр руҳига ҳамоҳанг равақ топтириш ва такомиллаштиришга Низомий номи- даги Тошкент давлат педагогика университетининг тасвирий санъат факультети ўқитувчилари ҳам му- носиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу олий ўқув юр- тида фаолият кўрсатаётган расом-педагоглар та- лабаларга мусаввирликнинг турли йўналишлари бўйича сабоқ бериш билан бирга тасвирий санъат таълимига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ус- лубий адабиётлар яратишда фаол иштирок этмоқ- да. Устоз-расомлар республика ва кўплаб халқаро миқёсдаги бадий кўргазмаларда муваффақиятли қатнашмоқда.

— Юртимизда педагогларнинг самарали фаоли- ят кўрсатиши, ўз устида ишлаши, изланиши учун зарур шароитлар қанчалик кўп яратилган бўлса, ижодкор мусаввирларнинг ҳам илҳом билан ишла- ши учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди ЎзА мухбирига ўқитувчи Фазлиддин Бердиев. — Ушбу кўргазмада менга нафис санъат сирларини ўргат- ган устозларимнинг сиймоси акс эттирилган тур- кум портретлар билан иштирок этмоқдаман.

Кўргазмада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидан узоқ йиллар меҳнат қил- ган фахрий ўқитувчилар, бугунги кунда талабалар- га сабоқ бераётган ёш педагогларнинг ижод наму- налари қўйилган.

Фафур Абдурахмонов, Нодира Орипова, Руслан Халилов, Ҳайитбой Султонов, Нозимхўжа Абду- сатторов, Янис Салпинкиди, Бахром Тожиев каби кўплаб педагог-расомларнинг 80 дан ортиқ кар- тинаси шулар жумласидандир. Кўргазма экспози- циясидан ўрин олган асарлар шу табарроқ замин- дан фахрланиш, унинг тинч ва осийишта кўнларини, истиклолнинг саодатли неъматларини асраб- авайлаш, ёруғ, бахтиёр ва фаровон кўнларимиз учун шукроналик, кексаларни эъзозлаш, баркамол ав- лодга кўрсатилаётган меҳр ва эътиборга чорлаши билан аҳамиятлидир.

Н.УСМОНОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Пойтахтимизда "Ўзбеккўмир"
акциядорлик жамияти томонидан
"Кўмир ёқилғи маҳсулотларини
ишлаб чиқариш, реализация қилиш
ва етказиб бериш" мавзусида
матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуманда "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари Н.Умаров жорий йил- да тизимда амалга оширилаётган ишлар, қаттиқ ёқилғи захиралари, уни казиб олиш ва сотиш, шу- нингдек, етказиб бериш ҳамда йил якунига қадар қилинадиган ишлар хусусида батафсил маълумот бериб ўтди.

Мамлакатимиз ҳудудида 1 миллиард 900 миллион тонна кўмир захиралари аниқланган бўлиб, мазкур йўналишда ишлаб чиқаришга замонавий технология- ларни жорий этиш, корхоналарнинг модернизация қилиниши натижасида истеъмолчиларнинг қаттиқ ёқилғига бўлган талаби қондириб борилаётди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчиларга жами 2,7 миллион тонна кўмир етказиб берилди. Жумладан, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятига 2,2 миллион, бюджет ташкилотларига 246,5 минг, аҳолига 167 минг тонна қаттиқ ёқилғи маҳсулотлари етказилган. Биржа савдолари орқа- ли ва бошқа ташкилотларга 68,8 минг тонна кўмир сотилди.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вило- ятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 14 та ҳудудий дистрибутор марказлари ташкил этилган бўлиб, махсус техника ва зарурий омборхоналар билан таъминланган мазкур марказлар аҳоли ва бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Улар шунингдек, 72 та филиалга ҳам эга.

Аҳоли, бюджет ташкилотлари ва бошқа корхо- наларни узулсиз кўмир билан таъминлаш ҳамда кўмир брикетларини етказиб бериш мақсадида тар- моқ жадваллари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Унга асосан бюджет соҳаси ташкилотлари кўмир ва кўмир брикетлари билан жорий йилнинг 1 но- ябригача, аҳоли эса 1 декабргача таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси- нинг жорий йил 2 июлдаги "Республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори истеъмолчиларнинг сифатли кўмир брикетлари билан ўз вақтида таъминлани- шида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарор ижроси доирасида Қорақалпоғистон Респуб- ликаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Са- марқанд, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятла- рида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 240 минг тон- на бўлган 31 та брикет фабрикаси ташкил этилди.

Табдирга журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ

Фармон ва ижро

КИЧИК БИЗНЕСГА ЭЪТИБОР ЮКСАЛМОҚДА

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик
партияси сиёсий кенгаши "Аҳоли турмуш
сифатини оширишда сиёсий партиялар ва
тижорат банклари ҳамкорлиги истиқболлари"
мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

"Адолат" партияси тижорат банклари билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлан- тириш, айниқса, битирувчилар- нинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини молия- вий қўллаб-қувватлаш бораси- да бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. 2015 йилнинг биринчи чорағида тижорат банклари билан бирга- ликда ҳудудларда ўтказилган семинарларда тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган лойиҳа муаллифларини қўллаб-қувват- лаш мақсадида касб-ҳунар коллежларининг 90 нафардан ортиқ битирувчиси ҳамда хотин-қиз- ларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат- лар топширилди. "Асака" ва "Ту- ронбанк" акциядорлик тижорат банклари билан йўлга қўйила- ётган ҳамкорлик ҳам мақсадли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш- дан иборат.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 15 май- даги "Хусусий мулк, кичик биз- нес ва хусусий тадбиркорлик- ни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал рив- ожлантириш йўлидаги тўсиқ- ларни бартараф этиш чора-тад- бирлари тўғрисида"ги Фармо- ни кичик бизнес ва хусусий тад- биркорлик соҳасини янада рив- ожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фар- ровонлигини юксалтиришда му- ҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармон асосида иш- лаб чиқилган "Ўзбекистон Рес- публикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни яна-

да қучайтиришга, уларни жа- дал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғриси- да"ги қонун асосида ўттиздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат- га зарур ўзгариш ва қўшим- чалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жи- ноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгаришларга кўра, эндиликда ҳўжалик юри- тувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар то- монидан сохта банкротлик ҳамда банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зар- рар тўлиқ қопланганда озо- дликдан маҳрум қилиш шакли- даги жазо қўлланилмайди.

Табдирда солиқ тизимидаги қатор янгиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, яқна тартибдаги тадбиркор ўзи томонидан ёлланган ҳар бир ҳо- дим учун назарда тутилган став- канинг 30 фоизи миқдоридида қатъий белгиланган солиқчи, су- гурта бадалларини ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқ- доридида тўлайди. Тежаб қолинган маблағни ишлаб чиқаришни рив- ожлантиришга йўналтиради.

Давра суҳбатида янги қонун мазмун-моҳиятини тадбиркор- ларга тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш, фаолиятига тўқинлик қилаёт- ган гов ва чекловларни бартара- ф этиш, кўрсатилаётган хиз- матлар қўламини ва сифатини яна- да ошириш лозимлиги ва бун- да сиёсий партиялар ҳамда тижорат банкларининг ҳамкорли- гини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қишлоқнинг мавжудлик сирини". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Ҳаёт". Х/ф.
9.30 "Рафикалар ва қизлар". Т/с.
10.10 "Икким".
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Икким".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Менинг боғим".
13.20 "Меҳр риштаси".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: Этнокод мустақамлиги йилда".
14.45 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
15.15 "Бизнес-старт".
15.40 "Қишлоқ ҳаёти".
16.00 "Билмидон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Корачик".
17.30 "Сухбатдош".
17.45 "Бўрилар заминин". Т/с.
18.25 "Имконият".
18.45 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 - 00.05 "Ноттинг Хилл". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.40 "Қишлоқ ҳаёти".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
2.30 "Билмидон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Денгиздан томчи".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Йул-йўлаккай". Б/ф.
7.30 "Хикоя".
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Соғлом ҳаёт".
9.10 "Орзулар фасли".
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".

10.10 "Қўларим йўлингда". Б/ф.
11.40 "Юрт келажиги".
12.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
12.50 "Телетухфа".
13.00 "Давр".
13.10 "Имконият". Б/ф.
13.30 "Навоийга таъзим".
15.10 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Меҳмонхона". Т/с.
16.50 "Камолот-инфо".
17.00 "Муъжизавий дунё".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўзга сайёралик маҳбубим". Т/с.
20.20 "Нухта назар".
20.50 "Ешлик наволари".
21.10 "Меҳмонхона". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Титаник". Б/ф.
2.30 "Шарк гавҳари".
4.00 "Фан ва ёшлар".
4.20 "Қизлар мактаби".
4.40 "Юрт келажиги".
4.50 "Имкон-шоу".
5.30 - 6.00 "Давр".

22.20 "Землетрясение". Х/ф.
00.20 "Мобильная камера".
00.30 "Касл". Т/с.
1.10 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.40 "Кема". Б/ф.
3.45 "Ройтакт-еко".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайри тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Корачик спорт".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кема".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 Интерфутбол.
10.10 АНОНС.
10.15 "Мураббий".
10.35 Стол тенниси. Европа чемпионати.
11.35 "Мундиал сари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Велоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Регби. Жаҳон чемпионати.
15.50 Автомобил спорт.

08.05 Контрольная закупка.
08.30 "Жить здорово!"
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Татьянина ночь".
13.10 Смак.
13.45 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.20 "Время покажет". Продолжение.
15.20 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми".
Программа Юлии Меншиковой.
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Путь гонимых".
20.00 "Время".
20.30 "Ночной Ургант".
22.30 "Познер".
00.05 Ночные новости.
00.20 "Городские легенды".
Доминик Монахэн в многосерийном фильме "Код 100".
01.50 Х/ф "Валентина".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Валентина".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
